Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 154 (21. 253) 1992 йил 6 август, пайшанба

ОБУНАЧИГА — 1 СУМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

БАЙРАМ «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК» ШИОРИ ОСТИДА ЎТАДИ

ДЭУ корпорацияси раҳбарияти билан учрашув

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 4 август куни Жанубий Кореядаги йирик ДЭУ корпорациясининг раиси Ким У-Жунни қабул қилди. Дўстона ва амалий вазиятда ўтган суҳбат чоғида икки томонлама, ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари тилга олинди.

Корпорациянинг Ўзбекистонда қўшма корхона барпо этиш нияти иккала мамлакат ўртасидаги амалий ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга кўмаклашиши таъкидланди. Жумладан, ДЭУ келгуси йилнинг декабрь ойидаёқ Андижон вилоятида уч турдаги автомобиллар чиқаришни бошламоқчи. Улар орасида қишлоқ жойлар учун мўлжалланган икки хил ихчам юк автомобили бор. Бу автомобиллар беш юз килограмм ва 1,5 минг килограмм юк торта олади. Бу автомобилларнинг фазилатлари шундаки, яхши юради, кам ёнилғи сарфлайди. Аммо Ўзбекистонда машина ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан илгари ДЭУ кредит ҳисобига республикамизга тахминан мингта шундай машинани яқин ойлар ичидаёқ етказиб беради. Уларга хизмат кўрсатиш учун Тошкент ва Фарғонада Жанубий Корея автомобилларига техника хизмати кўрсатиш сервис пунктлари ажратилади. Бир гуруҳ ўзбекистонлик мутахассисларнинг Корея Республикасига бориб, ДЭУ автомобиль заводида стажировкадан ўтиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари Тошкентдаги йирик саноат корхоналарида жаҳон андозаларига жавоб берадиган телевизор ва магнитофонлар ишлаб чиқариш бошланди, автомобиллар ишлаб чиқариш учун ускуналарни қўплаб тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Масалан, ҳозир ҳар кеча-кундузда уч юзтага яқин теле ва видеоаппаратлар комплекти йиғилаётган бўлса, яқин орада бу рақам ўн баравар ортади. Шундай қилиб, республика бозори аста-секин юқори сифатли маиший аппаратлар билан тўлиб боради. Табиийки, дастлабки пайтда бундай маҳсулотларнинг нархи анчагина қиммат бўлади. Шу ўринда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш устида мунтазам иш олиб бораётган жанубий кореялик ишбилармонларнинг тажрибаси ишлаб чиқарувчиларимизга бебаҳо кўмак беради.

Бўлиб ўтган учрашувда республика Президенти ўзаро манфаатли ҳамкорлик Ўзбекистон билан ДЭУ корпорацияси ўртасидаги амалий муносабатларни янада ривожлантиришнинг кафолати эканлигини таъкидлади. Ўз навбатида Ким У-Жун ДЭУ мустақил республика иқтисодиётини ривожлантириш учун катта сармоя сарфлашга тайёр эканини айтди. Бу Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига яқинда қилган расмий ташрифи якунларига тўла мос келади.

Жанубий Кореядаги ДЭУ корпорациясининг раҳбарияти И. А. Каримовнинг Самарқанд билан Бухорога танишув сафари қилиш ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

• Ўзбекистон ва жаҳон

БИРГАЛИКДА ИШЛАМОҚЧИЛАР

Андижон вилоятига иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадида келган Франциянинг «Тростос» фирмаси президенти Жонкардо Пачетти бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар Булоқбошида биринчи навбати ишга туширилган янги ипак-йигирув фабрикасида бўлдилар. Улар корхонанинг иши ва истиқболи билан танишиб, бу ерда қўшма корхоналар очиш истагини билдирдилар.

Вилоят ипак ишлаб чиқариш бирлашмаси билан келишувга мувофиқ Франция ишбилармонлари андижонлик кумуш тола ижодкорлари билан ҳамкорликда ипак қурти боқиб, сифатли пилла етиштириш жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ипак толаси олиш, ундан мато ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган қўшма корхоналар очадиган бўлди. Иккала томон мутахассислари бунинг учун зарур барча имкониятларни пухта ўрганиб, аниқ тавсиялар тайёрлаганидан кейин мазкур масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилинади.

(ЎзА).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

● ХДП вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлими ҳамкорликда маҳаллий ижодий зиёлилар вакилларининг давра суҳбатини ўтказдилар. Суҳбатда партиянинг ҳаракат Дастурига асосан мустақиллик шароитида миллий адабиётни ривожлантириш муаммолари асосий мавзу бўлди. Унда Т. Аҳмедов, Т. Қораев, А. Ҳасанов, О. Сафаров, С. Салимов ва бошқа ёзувчилар ўзларининг ижодий режалари, ёзувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалалари ҳақида гапирдилар. Мулоқотда Абдурауф Фитратнинг 110 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров, Бухоро шаҳри ҳокими У. Носиров, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов қатнашдилар ва ижодкорларнинг саволларига жавоб бердилар.

БИЛЕТЛАР ТОПШИРИЛМОҚДА

● Қоракўл район кенгашида меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, партия фаолларининг катта бир гуруҳига партия билетлари топширилди. Дастлаб партия билетларини олганлар орасида уруш ва меҳнат фахрийлари Кўклам Шодмонов, Раҳмон Яхшиев, Анна Губайдуллина, уста пахтакорлар Гулсара Йўлдошева, Розиқберди Давлатов ва бошқалар бор.

Партия билетларини район партия кенгаши биринчи котиби Н. Ёдгоров топширди.

Н. НАИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САҲИФАЛАРДА:

● Дўстона ва амалий вазиятда ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Жанубий Корея мамлакатлари учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари тилга олинди.

● Ҳаётимизда икир-чикирлар бўлиб туюлаётган нарсалар турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Уларни ҳал этишга эътиборни кучайтирайлик

● Хомталаш ёки Яккабоғ район ҳокими ўринбосари хусусийлаштириш жараёнида қандай қилиб фойдаланиб қолганлиги ҳақида

● «Вита» — «Ўзбекистон» — Бельгия қўшма корхонаси ҳамкорликка чақиради.

Диққат: обуна

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Матбуот тарқатиш марказидан хабар қилишларича, 1 августдан бошлаб барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида «Ўзбекистон овози» газетаси учун 1993 йилга обуна қабул қилинмоқда.

Газетанинг нашр кўрсаткичи: 64583.

● ОБУНА БАҲОСИ:

● БИР ЙИЛГА 384 СУМ,

● 6 ОЙГА — 192 СУМ,

● 3 ОЙГА — 96 СУМ.

Мухбиримиз бонг уради

«МУШТ КЕТДИ» НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

● Инсон кайфиятининг ҳолати иш унумига таъсир этмайди, деб ким айта олади? Арзимаган кўнгилхиралик кучая-кучая одамни дардга гирифтор қилиши маълум. Ҳаётда бундай мисоллар кўплаб топилади. Яқин-яқинларда ҳам «Одамларга шароит яратиб берайлик, турмуш маданиятини юксалтирайлик» деган шиорлар тилимиздан тушмасди.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитини писанда қиламиз-у, одамларга қулай шарт-шароитлар яратиш четда қолаяпти. Ҳолбуки, арзимасдек туюлган, аммо ғашга тегиб унумли ишлашимиз, яхши дам олишимизга ҳалақит бераётган муаммолар кўп.

Қўқон шаҳрининг шундоқ биқинида Муқимий номли жамоа хўжалиги бор. Мева-сабзавот етиштирадиган бу хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват. Одамларнинг даромади тузук. Турмушлари ҳам шунга яраша. Аммо шу ҳудуддаги Маҳмур, Жомий маҳаллалари аҳолисининг арзи бор.

— Анча йиллар олдин маҳаллаларимиз радиолашган эди, — дейди уруш ногирони ва меҳнат фахрийси Ғ. Фозилов. — Афсуски, икки йилдан буён радио карнайлари гунг бўлиб қолди. Район марказига арз қилсак, улар «Сим йўқ», штат қисқарган. Сизларнинг радиоларингизни шаҳар тармоғига улаб берамиз!» дейишди. Жамоа хўжалигидаги бу ишга мутасадди одам масъулиятсизга ўхшайди. Ахир, биз, кексалар учун радио кенг дунёга очилган дарчаку!

Ҳа, арзимаган иш. Аммо шу нарса ўнлаб кишилар кўнглини хира қилиб турган бўлса-чи?

— Узоқ йиллар орзу қилиб, ниҳоят телефон тушиردим. Лекин телефон билан ўзимга касал ҳам сотиб олган эканман, — дея ҳасрат қилади Фарғона шаҳар Беруний кўчасидаги 5- уйда истиқомат қилувчи Д. Абдураҳмонова. — Бу телефон тушмагур бир ой ишласа тўрт-беш ой ишламайди. Ремонтчи устани кутавериб тоқатингиз тоқ бўлади. Асабингиз бузилади. Ўтган йили ноябрь ойида бузилган телефонимизни шу йил январь ойи ўртасида тузатишди. Холбуки, худди ўша кунлари мен қизимни Новосибирск шаҳрига даволаш учун олиб борган эдим. У ердан уйдаги телефонга тушиб бўлмади. Ана, асаббозлик! Шу кунларда телефон яна бузуқ.

Бир қарашда бу ҳам оддий ҳодисадек кўринади. Телефон бузилишига ўрганиб кетганмиз. Бироқ олис, мусофир шаҳарда қизини операцияга ётқизиб қўйгач, уйига аҳволни айтолмаётган онанинг изтиробли дақиқаларини бир тасаввур қилинг...

Марғилон шаҳридаги 1 Май кўчасида 40 та хонадон тоза ичимлик сувга муҳтож.

— Ишлайдиган биргина сув жўмрагидан ҳафтада бир, ўшанда ҳам занглаган сув тушади, — шикоят қилади 54-уйда яшовчи А. Юсуфшоев, — Атроф маҳаллалардаги хонадонларда сув бор. Арзимаган ремонт вақтида бажарилмагани учун биз сувсиз қолганмиз. Ишдан келгач, сув ахтариб узоқларга боришга тўғри келади. Дардимизга ремонтчилар ҳам қулоқ солмаяпти. Энди буни ҳокимга айтсакми, деб турибмиз.

Бувайда районидаги Янгиқўрғон ва Янгиқадам қишлоқлари орасида автобуслар мунтазам қатнаб турибди. Дарҳақиқат жуда кўп одамлар шу йўлдан район марказига ишга қатнашади. Бироқ йўл ёқаларида автобус бекатлари йўқ. Кекса-ю ёш қиш изғиринида ҳам, ёз жазирамасида ҳам очиқ жойларда автобус кутишади. Аҳолининг арз-додидан кейин Хонобод қишлоғида ўтган йили каттагина бекат қурилиши бошланган эди. Район қурилиш идораси ишчилари бўлажак бекат ўрнини кўтариб, анча-мунча иш ҳам қилиб қўйишган. Лекин кўп ўтмай бекат қурилиши тўхтаб қолди. Қаровсиз қолган бекат ўрни эса ахлатхонага айланди.

— Ажабо,— дея ҳайратланади шу ердаги Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси И. Аҳмадиёров, — халқимиз мустақилликдек улуғ неъматни қўлга киритган, қатор муаммолар ҳал этилаётган шундай даврда наҳотки мўъжазгина бекатни битказиш йилларга чўзилса?

Ҳақиқатан ҳаётимизда шундай икир-чикирлар учраб турибди. Буни кўпчилигимиз биламиз. Аммо уларнинг катта зарари ҳақида кам ўйлаймиз. Эрталаб уйда ичимлик сув йўқлиги туфайли асабийлашган, бузуқ телефон касофатидан қон босими кўтарилган, жала остида қолиб автобус кутган кишиларнинг ишхонага қандай ҳолатда келиши маълум.

Қисқаси, шундай вазиятда турк ёзувчиси Азиз Несиннинг «Мушт кетди» ҳикоясида тасвирланган воқеалар ёдга келади. Бундай паллада одамларга бир гап кам, иккитаси ортиқча. Баҳри кенг, анча-мунчага парво қилмайдиган одам бўлса-ку, майли. Аммо аламини кимдандир, нимадандир олишга ўрганган одам бўлсачи? Ана унда кўринг: меҳнат жамоаси муҳитида таранглик, зардабозлик вужудга келади.

Баъзан ўйлаб қоласан. Асаблар туфайли оилада, ишхонада беҳуда тўкилган ғазабларнинг боиси кўпинча ана шундай икир-чикирларга боғлиқ эмасмикан? Ҳокимликлар мутасаддилари, тегишли корхоналар раҳбарлари, кенг жамоатчилик икир-чикирга ўхшаш, аммо таги зил муаммоларга эътиборни жалб қилсалар, ҳаётимизда «мушт кетди» ҳодисалари камайиб, ишлар юришиб кетган бўларди.

А. ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Лупқа

ТЎЙГА ТЎЁНА ШУМИ?

РЎЗНОМА почтасига кунига келиб турган мактублар муаллифларининг манзили ҳам, мазмуни ҳам турлича. Уларнинг айримларини ўқисангиз яйраб кетасиз. Одил, оқил қарорлар, уларни бажаришдаги ибратли ишлар ҳақидаги хатлар дилларни шод этади. Имтиёзлар, қулайликлардан баҳраманд бўлаётганлар қувончига чин дилдан шерик бўласиз.

Аммо турли камчиликлар, муаммолар, уларни ечишдаги тўрачилик тўсиқлари, ҳар томонлама пухта ўйланмаган қарорлар ҳам борки, улар ҳақида муштарийлар куюниб, ранжиб ёзишмоқда.

Маълумки, тўй ўзбек халқининг азалий удумларидан. Одамлар йиллар мобайнида емай-ичмай топганини ўртага қўяди. Қарз-ҳавола қилса ҳамки кўпчиликнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилади. Ҳар ҳолда тўй қилган киши йиғиб-териб, маслаҳат билан элга дастурхон ёзади.

Аза-чи? У хонадонимизга кутилмаганда, тўсатдан кириб келади. Бошига мусибат тушган хонадон ўзига тўқ бўлса-ку яхши. Аммо куни зўрға ўтиб турган бўлса-чи? Кирёяр, етти, хадим, йигирма, қирқ, йил ошларига маблағни қаердан олади? Яна ҳайит, гул, қовоқ-узум каби маросимлар ҳам бор. Уларнинг ҳаммасига пул керак. Гўшт, ун, ёғ керак.

Тўғри исломда катта харажат қилиб тўй қилиш, дафн билан боғлиқ кўпдан-кўп маросимларни ўтказиш ўринли эмаслигини энди тушуняпмиз. Аммо уларни энг кичик, камхарж қилиб ўтказишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Кўпчиликка барибир дастурхон ёзиш керак.

Ана шуни ҳисобга олиб, савдо ташкилотлари орқали аҳолининг тўйи, азаси учун гўшт, ун, гуруч, ёғ каби озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилган. Масалан, тадбир ўтказаётган одам 10 килограмм гўшт, 50 килограмм ун, 50 килограмм гуруч, 10 килограмм ёғ ва бошқа маҳсулотларни олиши мумкин. Ўйлаб қаралса, булар ўзбекнинг фақат бир кунлик тўйи ва азасининг бир қисминигина қоплайди. Шунисига ҳам шукур.

Бироқ уларнинг нархи шунчаликки, одамлар асло қониқишмаяпти. Булар муҳарририятга келаётган жуда кўп хатлар ва қўнғироқларда ўз аксини топмоқда.

— Бошимизга мусибат тушиб, маъракага ўтказадиган бўлиб қолдик, — деб ёзади тошкентлик Юнус Оқилов. — Миробод район озиқ-овқат савдо ташкилотига борганимизда бизга бир килограмм гўштнинг нархини 88 сўм, бир килограмм уннинг нархини 7 сўм 80 тийин, деб айтишди.

Бундай зардали хатлар, тушунмовчиликлар кўплиги туфайли биз масалага ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар савдо ва ишлаб чиқариш «Тошкентсавдо» концернида бўлдик. Нархлар бўлими бошлиғи Саъдулла Мақсудов шундай тушунтириш берди:

— Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли нархнаво тобора ошиб бормоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида айрим зарур озиқ-овқат моллари одамларга улгуржи нархларга нисбатан арзон сотиляпти. Ўртадаги тафовут бюджет ҳисобидан қопланмоқда.

Аммо тўй ва маъракаларга ажратиладиган маҳсулотлар улгуржи нархлар ҳисобидан берилади. Бу ҳақда жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд.

Шу йил 16 июлдан бошлаб тўй ва маъракалар учун бериладиган маҳсулотлар нархи яна ошди. Масалан, бир килограмм қўй гўшти 136 сўм, мол гўшти 113 сўм, 1 килограмм ун 13 сўм, гуруч 30 сўм 50 тийин қилиб белгиланган.

Бир ойда шаҳримизда ўртача 8 мингта тўй ва бошқа маросимлар ўтказиб турилади. Уларни таъминлаш учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилган.

Аммо С. Мақсудов бир ойда қанча одам белгиланган нархда гўшт, ун, гуруч ва бошқа маҳсулотларни олмоқда, деб берган саволимизга аниқ жавоб беролмаса-да аксарият кўпчилик уларни олишдан бош тортаётганини айтди.

Тўғрида, ҳозир бозорга тушсангиз энг яхши, сифатли қўй гўштини танлаб-танлаб 110—120 сўмдан, мол гўштини 80—90 сўмдан, гуручни 25—30 сўмдан олиш мумкин. Бозордан мол ёки қўй олиб сўйган кишига бундан ҳам арзонга тушади.

Шундай экан, бу соҳада ғамхўрлик қилиняпти, деб бўлмайди. Элимизда яхши одат бор. Тўйга тўёна билан борилади. Азадор одамга ҳолисанилло кўмак берилади. Лекин маросимлар учун зарур озиқ-овқат моллари учун нарх-навонинг сифати кўнгилдагидек бўлмасада, бўй етмайдиган даражада осмонга чиқариб қўйилганлиги кўпчиликка хуш келмаяпти. Улар ҳақли равишда, тўйга тўёна шуми, деб савол беришаётгани бизнингча ўринли.

Шаҳар «Тошкентсавдо» концернида бизга гўшт, ун ва гуручга қўйилган осмон ўпар нархларни «оқловчи» бир қанча қоғозларни кўрсатишди. Ўқиб кўрсангиз ҳаммаси тўғри. Озиқ-овқат маҳсулотларига қўйилган юқори баҳонинг сабаблари кўрсатилган.

Қимматли ўртоқлар бизни кечирсину, кўпинча биз, журналистларни қоғозхўр дейишади. Ишимиз қоғоз билан бўлгандан кейин начора! Аммо биз ҳар бир бет қоғозни қоралаётганда ёзганимиз одамларга бироз кўмак, таскин берсин, оғирини енгил қилсин, деймиз.

Халқ хизматига бевосита сафарбар этилганлар эса қоғозни ҳимоя воситаси билишади, шекилли. Бўлмасам турли-туман асосланмаган, халқ манфаатга хизмат қилиш ўрнига тескари акс-садо берадиган йўриқномаларни рўкач қилиб, ўз фаолиятсизликларини оқлаб туришмасди.

Жумҳурият Савдо вазирлиги «Ўзбексавдо» уюшмаси деб аталаётганига анча бўлиб қолди. Бироқ номи ўзгаргани билан ишда ўзгариш сезилмаяпти. Меҳнаткашлар ўз хатларида буни очиқ эътироф этишяпти. Акс ҳолда ҳар хил қоғозларни рўкач қилиб, музлаган, ориқ-тириқ гўштни 130 сўмдан ортиқ нархда сотишга виждонлари йўл қўймасди.

Ана шуларни қоғозхўрлар, деса бўлади. Улар амалий ҳаракат қилиб, халқ манфаатни йўлида чин дилдан елиб-югуришганда тўй ва маъракаларга ажратилган гўштлар сотилмай қолмасди. Бундан ким манфаат кўрмоқда! Албатта, меҳнаткашлар эмас. Бу ўйлаб кўришга арзийдиган муаммо.

К. РИХСИЕВ,

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади, одамнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларини ва уларни амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлайди.

Давлат санитария назорати — бу санитария қонунлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария-эпидемиология хизматининг фаолиятидир.

I БЎЛИМ.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг санитария назорати тўғрисидаги қонунлари ушбу Қонундан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг ўз ваколат доирасида чиқарадиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларидан иборатдир.

2-модда. Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий принциплари

Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

атроф-муҳитни соғломлаштириш, овқатланишни, меҳнат, турмуш, дам олиш, таълим-тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тадбирлар мажмуини амалга ошириш асосида одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кафолатлаш;

халқ хўжалик объектлари, технология ускуналарини ва асбобларини, транспорт воситаларини ривожлантириш, жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишнинг ҳамда атроф-муҳит омиллари аҳоли саломатлигига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олишга қаратилган фаолиятининг устиворлигини таъминлаш;

аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий фаолиятнинг мажбурий қисми сифатида амалга ошириш;

мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилмаслик ҳамда санитарияга доир ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширмаслик натижасида аҳолининг саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

санитария нормалари қоидаларига риоя этилиши ва санитария-гигиена тадбирлари амалга оширилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш.

3-модда. Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари

Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари илмий тадқиқот ва бошқа муассасалар томонидан ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланади ва шундан сўнг уч ой муддат ичида матбуотда босиб чиқарилиши керак.

II БЎЛИМ.

ОДАМНИНГ ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ ШАРОИТЛАРИГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИ

4-модда. Одамнинг қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи

Ҳар бир одам қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлишга ҳақли.

5-модда. Аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитнинг аҳволи ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи

Ҳар бир киши касалликлар, эпидемия ва радиация вазияти, атроф-муҳитнинг ҳолати ҳамда уларнинг одамлар саломатлигига таъсири ҳақида, шунингдек гигиена соҳасидаги ва махсус ўтказилган бошқа экспертизалар ҳақида ҳаққоний маълумот олиш ҳуқуқига эга.

6-модда. Одамнинг саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини тўлатиш ҳуқуқи

Ҳар бир одам атроф-муҳитнинг зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа омиллари, шунингдек сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа саноат буюмлари таъсирида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини тўлатиб олишга ҳақлидир.

III БЎЛИМ.

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИЯ МАСАЛАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ХОТИРЖАМЛИГИНИ, РАДИАЦИЯ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАЛАБЛАРИ ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7-модда. Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашга доир мажбуриятлари

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар:

белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари;

давлат санитария назоратини амалга ошираётган идоралар, муассасалар, мансабдор шахсларга рўй берган авариялар, санитария-эпидемия, радиация вазияти тўғрисида ҳаққоний ва тўла-тўкис ахборот беришлари шарт.

8-модда. Норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг мажбуриятлари

Норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқаётган давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар аҳолининг саломатлигини сақлашни ва санитария-эпидемия масалаларида хотиржамлигини таъминлашга қаратилган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

Қайд этилган идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар янги кимёвий ва биологик моддаларни, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини ҳамда мана шу манбаларга эга бўлган асбобларини, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини, материаллар, технология жараёнлари, ускуналар ва бошқа халқ истеъмоли моллаларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемия хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича илмий асосланган таклифларни, уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш усулларини, зарарли маҳсулот ва чиқитларни зарарсизлантириш йўлларини ишлаб чиқишлари ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачига тақдим этишлари шарт.

9-модда. Объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш чоғида санитария талабларига риоя этишнинг шартлиги

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, бирлашмаларнинг раҳбарлари ва алоҳида шахслар объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, янгилаш чоғида, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва уларни фойдаланишга топшириш чоғида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига амал қилишлари шарт.

10-модда. Майдонлар, иншоотлар, биноларни сақлаб туриш, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар технология ва бошқа ускуналардан фойдаланилишини, майдон, иншоотлар, ишлаб чиқариш бинолари ва санитария-маиший бинолар, иш жойлари, турар жой бинолари, болалар ва даволаш-профилактика муассасалари, ўқув юртлари, маданият, спорт ва бошқа муассасалар бинолари, шунингдек транспорт воситалари санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ сақлаб турилишини таъминлашлари шарт.

11-модда. Кимёвий моддалар, биология воситалари ва материалларини қўлланишга, зарарсизлантиришга, қайта ишлашга, кўмиб ташлашга қўйиладиган талаблар

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар кимёвий моддаларни, биология воситалари ва материалларини сақлаш, қўлланиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлайдиган санитария нормалари, қоидалари ҳамда гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

Янги кимёвий моддалар, биология воситалари ва материаллари, минерал ўғитлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган дори-дармонлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий-биологик воситалари, полимер ва пластик массалар, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини, бошқа кимёвий ва биологик воситаларни қўлланишга улар заҳарлилиги ва гигиенаси жиҳатидан баҳоланганидан, гигиена нормативлари белгиланганидан кейингина Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рухсатномасига кўра йўл қўйилади.

12-модда. Радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги талаблар

Давлат бошқаруви идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, меҳнат жамоалари ва айрим шахслар радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилувчи нурланиш манбалари билан ишлаганда радиация хавфсизлиги нормалари ва санитария қоидаларига, шунингдек радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида стандартларга, техника шартларига ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя қилишлари шарт.

13-модда. Турар жой биноларнга одам қўйиш ва уларда яшаш тартиби

Яшаш учун турар жой биноларини берадиган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, бошқа мулкдорлар ана шу биноларга одам қўйиш чоғида амалдаги санитария нормаларини бажаришлари шарт.

Амалдаги гигиена нормативларига жавоб бермайдиган турар жой биноларига одам яшашига йўл қўйилмайди, уйларда яшовчилар турар жой биноларини сақлаш ва улардан фойдаланишнинг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланган қоидаларини бажаришлари шарт.

14-модда. Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлаш ва сотишга қўйиладиган санитария талаблари

Мулкчилик шаклларидан қатъий назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ташиш, сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар тиббиёт-биология талабларига, санитария нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этишлари шарт.

Янги озуқа қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик актив моддаларни, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини, шунингдек озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита солиб қўйиладиган идишларнинг янги турларини қўлланишга улар заҳарлилиги ва гигиенаси жиҳатидан баҳоланганидан кейингина ва Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсати билан йўл қўйилади.

15-модда. Хўжалик-ичимлик суви таъминотига қўйиладиган санитария талаблари

Давлат идоралари, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар хўжалик-ичимлик суви таъминотининг марказлаштирилган тизимлари етказиб берадиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шарт.

Марказлаштирилган тартибда хўжалик-ичимлик суви етказиб берадиган сув қувурлари ва уларнинг манбалари учун махсус тартиблар ўрнатилган санитария муҳофазаси майдони белгилаб қўйилади.

Сув қувурларининг, улар сув оладиган манбаларнинг санитария муҳофазаси майдонлари, уларнинг санитария тартиботи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар рўзғорда ва маиший мақсадларда ишлатиладиган ҳавзалардаги сувнинг, шу жумладан марказлаштирилмаган тартибда таъминланадиган сувнинг сифати амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос бўлишини таъминлашлари шарт.

16-модда. Чет эллардан сотиб олинадиган маҳсулотни етказиб бериш ва сотишга қўйиладиган талаблар

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар чет эллардан сотиб олинадиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб бериш, сотиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

17-модда. Таълим шароитларини тартибга солиб турувчи санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиш талаблари

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар таълим муассасаларида ва корхоналарда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини таъминлашлари шарт.

18-модда. Тиббий кўрикдан ўтишнинг мажбурийлиги

Юқумли ва паразитар касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик, касб касалликлари, заҳарланишлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларнинг ходимлари дастлабки ҳамда даврий тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши билан келишган ҳолда белгиланади.

19-модда. Касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги мажбуриятлар

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарлари ва алоҳида шахслар юқумли, паразитар ва бошқа оммавий касалликлар, шу жумладан радиация омили билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг, шунингдек улар келиб чиққан тақдирда бу касалликларни йўқотиш чораларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашлари шарт.

Юқумли, паразитар, бошқа оммавий касалликлар келиб чиқиш ва тарқалиш хавфи туғилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари бош давлат санитария врачларининг тақдимига мувофиқ белгиланган тартибда тегишли ҳудудларда ишлаш, ўқиш, ҳаракатланиш ва одам ва юк ташишнинг алоҳида шартлари ва тартибини жорий қилишлари мумкин.

Юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида карантин-ташкилий ва профилактика тадбирларини ўтказиш, касалликка чалинган беморларни касалхоналарга ётқизиш тартиби ва муддатларини тегишли ҳудудлардаги ҳокимият ва бошқарувнинг маҳаллий идоралари ҳамда бош давлат санитария врачлари белгилайдилар.

20-модда. Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва ташкилотларнинг махсус экспертизаларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятлари

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, бошқа муассаса ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи йўлланмаси билан буюртмачининг маблағлари ҳисобига фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва алоҳида шахслар саломатлиги ва касалланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санитария-гигиена, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа турларини, шунингдек лойиҳа, техника ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни, ускуналарни, асбобларни ва аппаратларни, кимёвий моддаларни, турли бирикмаларни, материалларни ва муҳитларни, озиқ-овқат хом ашёсини ва овқатларини, саноат буюмларини, радиоактив моддаларни, радиация техникасини экспертиза қилишлари ҳамда тиббий иммунобиологик препаратлари устидан назоратни амалга оширишлари шарт.

Қайд этилган илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, бошқа муассасалар ва ташкилотлар экспертизалар тўғри ўтказилиши учун жавобгардирлар.

IV БЎЛИМ.

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ВА ТЕКШИРУВИ

21-модда. Санитария назорати ва текширувини амалга оширувчи идоралар ва муассасалар

Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширади.

Санитария-эпидемиология станцияси ушбу Қонунга ҳамда улар тўғрисидаги Низомга мувофиқ иш кўруувчи тиббий профилактик муассаса ҳисобланиб, санитарияга доир ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари мажмуининг уюштирилишини ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ўрта Осиё темир йўлининг ишлатилаётган ва қурилаётган объектларида идоравий санитария назоратини тегишли вазирликлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станциялари амалга оширадилар.

Санитария милицияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаган Низомга мувофиқ санитария текширувини амалга оширади.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар, шаҳарлар, ноҳиялар бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

23-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар фаолиятининг асосий кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология хизматининг давлат санитария назоратини амалга оширувчи бош давлат санитария врачлари, бошқа мансабдор шахслари ва мутахассислари ҳокимият вакили ҳисобланадилар ва давлат ҳимоясида бўладилар.

24-модда. Давлат санитария назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятга аралашишга йўл қўйиб бўлмаслиги

Бошқа ташкилотларнинг давлат санитария назорати идораларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида уларнинг ишига аралашиши, давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга бирон-бир йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи:

давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратини амалга оширишнинг асосий вазифаларини ва устивор йўналишларини белгилайди;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;

атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир республика норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва нашр этади;

авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш юзасидан муваққат санитария нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош давлат санитария врачларини тайинлайди;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаси раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади;

одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган яшаш ва хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

ҳудудларга карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган республика ва маҳаллий эпидемияга қарши жамғармалардан ва моддий-техникавий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди.

26-модда. Вилоят ва Тошкент шаҳри бош давлат санитария врачларининг ваколатлари

Вилоят ва Тошкент шаҳрининг бош давлат санитария врачлари:

ўз бўйсунувидаги санитария-эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қиладилар;

халқ хўжалиги объектларини қуриш ва қайта қуриш лойиҳалари юзасидан хулосалар берадилар;

санитария-эпидемия жиҳатидан хотиржамлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг қарорлари асосида ва уларни бажариш юзасидан ҳужжатлар чиқарадилар;

одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавфли бўлган, аҳолининг яшаши ва хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайдилар;

вилоят ва шаҳар ҳудудларига карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини амалга оширадилар;

авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказадилар;

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи билан келишган ҳолда шаҳарлар ва ноҳияларнинг бош давлат санитария врачларини тайинлайдилар.

27-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари

Давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга уларнинг ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) давлат бошқаруви идораларида, мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалардан, шунингдек алоҳида шахслардан йўл қўйилган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам беришни талаб қилиш;

б) халқ хўжалиги объектларини қуриш ва уларни қайта қуриш лойиҳаларида санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қилиш;

в) мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга ва алоҳида шахсларга белгиланган тартибда:

аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари, халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришнинг истиқбол режалари бўйича, шунингдек корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш лойиҳалари бўйича хулосалар бериш;

қурилиш учун ер участкалари бериш, рўзғорда ва маиший мақсадларда сувдан фойдаланадиган жойларни ва оқава сувлар тозаланганидан кейин уларни ташириб юбориш шартларини аниқлаш, заҳарли, кимёвий, радиоактив ва бошқа моддаларни қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш масалалари бўйича хулосалар бериш;

г) турар жой бинолари ҳамда маданий-маиший бинолар, саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар, шунингдек иншоотларнинг амалдаги санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар бериш;

д) болалар муассасаларида тарбияланаётган ҳамда ўқув юртларида таълим олаётган болаларнинг ўқув-меҳнат соатлари ва таҳминий машғулот тартиби ҳақида тақдим этишган таклифлар юзасидан хулосалар бериш;

е) қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларини, бошқа муассасалар ва ташкилотларни махсус экспертизалар ўтказишга жалб этиш ва бунга буюртмачилар ҳисобидан ҳақ тўлаш;

ж) санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадида исталган вақтда хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга тўсқинликсиз кириш;

з) қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарларидан ва алоҳида шахслардан:

санитария нормаларини, қоидаларини, эпидемияга қарши тартиботни мунтазам суратда бажармаётган ва ишлаб чиқаришнинг ҳамда бажарилаётган ишларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахсларни ишдан четлаштиришни;

атрофдагилар учун хавфли бўлган, юқумли ва паразитар касаллик билан оғриган беморларни касалхонага ётқизишни;

профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишни;

объектларнинг санитария ҳолатини аниқлаш ҳамда аҳоли саломатлигининг ҳолатини эпидемиология жиҳатдан таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

и) гигиена экспертизалари, лаборатория тадқиқотлари ўтказиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини, буюмларни, предметлар ва материалларни олиш, шунингдек бевосита объектларнинг ўзида, лабораторияда ва асбоблар ёрдамида зарур текширишлар ўтказиш;

к) санитария назоратини амалга оширишга бошқа идораларнинг мутахассисларини шартнома асосида, шунингдек жамоатчилик вакилларини жалб этиш.

Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонунлари бузилган тақдирда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

ер участкаси, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш ва бошқа халқ хўжалиги объектлари қурилишига, уларни қайта қуриш, кенгайтиришга, ер ажратишга доир, санитария нормаларига ва қоидаларига жавоб бермайдиган лойиҳалаш ҳақидаги ҳужжатларни ва лойиҳаларни қайтариш;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам берилгунга қадар амалдаги ишлаб чиқариш объектларида, маданий-маиший бинолардан фойдаланишни, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика ҳамда санаторий-курорт муассасаларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, ускуналар, асбоблар ва гидротехника иншоотларини ишлатишни тақиқлаб қўйиш;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилган тақдирда аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, уларни қайта қуришни ҳамда мазкур объектларда айрим иш турларини амалга оширишни тўхтатиб қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли деб топилган янги хом ашё турларини, кимёвий моддаларни, технология ускуналарини, жараёнларини ва асбобларини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсини, саноат буюмларини, қурилиш материалларини, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини, биология воситаларини, озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларга ишлатиладиган идишлар, пластик, полимер ва бошқа материалларни, улардан тайёрланган буюмларни ва бошқа халқ истеъмоли моллларини ишлаб чиқаришни, қўллашни ва сотишни тақиқлаб қўйиш;

хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш чоғида кимёвий моддаларни қўллашни, одамлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиш хавфи туғилган тақдирда қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган ва тартибга соладиган дориларни, пестицидларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини қўллашни бу моддалар ва материалларни ишлаб чиқувчи уларнинг хавфли эмаслиги ҳақида илмий асосланган маълумотларни тақдим этгунигача тақиқлаб қўйиш;

сув истеъмол учун яроқсиз деб топилганда ундан ичиш ва хўжалик мақсадларида ишлатишни тақиқлаб қўйиш;

санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузаётган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш.

28-модда. Бош давлат санитария врачлари ва ўринбосарларининг қарорлари устидан шикоят қилиш

Маъмурий жарима белгилаш ҳақидаги қарорлар устидан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган тартибда шикоят берилади.

V БЎЛИМ.

САНИТАРИЯ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

29-модда. Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарлик

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, мансабдор ва бошқа шахслар қуйидаги қолларда Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиладилар:

1) тупроқни, атмосфера ҳавосини, озиқ-овқат маҳсулотларини, иш олиб бориладиган жой ҳавосини, сув билан таъминлашнинг очиқ ва ерости манбаларини, аҳоли томонидан маданий-маиший мақсадларда фойдаланиладиган сув ҳавзалари ҳамда сув омборларининг қирғоқларини кимёвий, физикавий, биологик ва бошқача тарзда ифлослантирганлик учун;

2) санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларини ҳисобга олмаган ҳолда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишни, санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлашга доир норматив-техникавий ҳужжатларни ишлаб чиққанлик учун;

(Давоми 3-бетда).

Ёзнинг иссиқ кунларида Қибрай районида жойлашган «Ботаника» санаторийсида бир йўла 616 нафар киши ҳордиқ чиқаряпти. Сўлим оромгоҳда дам олувчиларга ҳамма шароитлар яратилган. Улар учун Чирчиқ, Чорвоққа мунтазам экскурсиялар уюштирилади.

СУРАТЛАРДА оромгоҳнинг сўлим жойларидан бири ҳамда бош шифокор ёрдамчиси Г. Акобированинг дам олувчилар билан суҳбатлашаётган пайти акс этган.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошн 2-бетда).

3) янги хом ашё турларини, технология ускуналарини, жараёнлари ва асбоблари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини, саноат буюмларини, бинокорлик материалларини, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини, кимёвий моддалар ва маҳсулотларни, биология воситаларини, озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат моллари ва дори-дармонлар бевосита тегиб турадиган идишлар, бошқа материалларни, бу материаллардан тайёрланадиган буюмларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъмоли молларини, тиббиёт ва иммунобиология дори-дармонларини ишлаб чиқариш ва қўлланишга доир норматив-техника ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи билан келишмаган ҳолда ишлаб чиққанлик учун;

4) корхоналар, бинолар ва иншоотларни, транспорт воситаларини, сув таъминоти, канализация ва оқова сувларни тозалаш тизимларини, гидротехник иншоотларини, бошқа объектларни санитария нормаларига, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этмаган ҳолда ва давлат санитария назорати идоралари билан келишмасдан туриб лойиҳалаганлик, қурганлик, қайта қурганлик учун;

5) ер участкасидан давлат санитария назорати идоралари билан келишмасдан туриб янги қурилиш, объектларни қайта қуриш, кенгайтириш учун фойдаланганлик учун;

6) давлат санитария назорати идораларининг рухсатисиз объектларни қабул қилиб олганлик ва фойдаланишга топширганлик учун;

7) озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талабларга риоя этмаганлик, таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган радионуклидлар, заҳарли, биологик, кимёвий ва бошқа моддалар ва бирикмалар, белгиланган гигиена нормативларидан юқори бўлган маҳсулотларни овқатга ишлатганлик учун;

8) озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш чоғида санитария нормалари, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

9) қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларининг ўсишини тезлаштирадиган моддаларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини, озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига ва дори-дармонларга тегиб турадиган идишлар, бошқа материалларни, ем-хашакка қўшиб бериладиган озуқа моддаларни давлат санитария назорати идораларининг рухсатисиз қўлланганлик учун;

10) чет элдан олинадиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб беришда, сотишда ва улардан фойдаланишда санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

11) хўжалик-ичимлик сув таъминоти марказлаштирилган тизимлари орқали берилаётган сувнинг сифати гигиена талабларига мос келмаслиги учун;

12) сув ҳавзаларидан рўзғорда ва маиший мақсадларда фойдаланганда, сувнинг сифати санитария нормалари ва талабларига мос келишини таъминламаганлик учун;

13) аҳоли пунктлари ва ҳудудларини сақлашнинг, саноат, қишлоқ хўжалик ва хўжалик рўзғор чиқитларини, шу жумладан радиоактив ва заҳарли моддаларни тўплаш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг санитария қоидаларини бузганлиқ учун;

14) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

15) барча типдаги таълим муассасаларида, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасаларида ва бошқа муассасалар ҳамда корхоналарда санитария нормалари, қоидалари ва нормативларига риоя этмаганлик учун;

16) радиоактив моддалар, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбалари билан ишлашда, шунингдек радиоактив чиқитларни кўмиб ташлаш чоғида радиация хавфсизлиги нормалари ва санитария қоидаларини бузганлик учун;

17) юқумли, паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатиш чора-тадбирларини бажармаганлик учун;

18) давлат санитария-эпидемиология идоралари ва муассасаларининг йўлланмалари билан санитария-гигиена, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа махсус экспертизалар ўтказишдан асоссиз бош тортганлик учун;

19) тиббий кўриклардан ўтмаган ёки саломатлиги туфайли меҳнатга яроқсиз деб топилган шахсларга ишлашга рухсат берганлик учун;

20) айрим тоифадаги фуқаролар мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаганлиги ёки кўрикдан ўтиш муддатларини бузганлиги учун;

21) давлат санитария назоратини амалга оширувчи идоралар ва муассасаларнинг кўрсатмаларини, хулосаларини ҳамда қарорларини бажармаганлик учун;

22) объектдаги санитария-гигиена ҳолатини, эпидемия вазиятини ва радиация ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган материалларни беришдан бош тортганлик учун;

23) давлат санитария назоратини амалга оширувчи идоралар ва муассасалар томонидан ёпиб қўйилган объектларда муҳрларни узиб ташлаганлик ва ишни қайта бошлаганлик учун;

24) ишчи ва хизматчиларнинг айрим тоифалари, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мажбурий гигиена таълимидан ўтиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлиги учун.

30-модда. Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари қўллайдиган маъмурий жавобгарлик чоралари

Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонунлари, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилган, давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, шу жумладан қуйидаги миқдорларда жарима солиш ҳуқуқига эгадирлар:

мансабдор шахсларга — кўпи билан икки ойлик даромади миқдорида;

бошқа шахсларга — кўпи билан бир ойлик даромади миқдорида.

Маъмурий жарима пуллари вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг эпидемияга қарши жамғармаларига тушади.

Маъмурий жазо чоралари қўллангандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган, шунингдек одамларнинг ҳалок бўлишига, гуруҳ бўлиб ёхуд оммавий тарзда касалланишига, заҳарланишига сабаб бўлган, аҳолининг саломатлигига катта зарар етказган хатти-ҳаракатлар учун айбдорлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

31-модда. Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини бузиш натижасида келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъий назар, санитария қонунларини бузишда айбдор бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар шикастланганларни даволаш ва уларнинг саломатлигини тиклаш, даволаш-профилактика тадбирларига, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишга сарфланган харажатларни Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ тўлашлари шарт.

VI БЎЛИМ.
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

32-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда халқаро шартномалар қоидалари қўлланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

«ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси:

уч ой муддат ичида «Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилмаслик ва санитарияга доир, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказмаганлик оқибатида одамлар саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилган зарарнинг, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, айрим шахслар томонидан тўланиши тартиби тўғрисида», «Санитария қонунлари бузилган ҳолларда диагностика чораларига, даволаш ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларига қилинган харажатларни тўлаш тартиби тўғрисида», «Санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жарималар ундириш тартиби тўғрисида»ги низомларни тасдиқласин;

1992 йилнинг 1 декабрига қадар:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини мазкур Қонунга мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ХОМТАЛАШ

ЁКИ ЯККАБОҒ РАЙОН ҲОКИМИ ЎРИНБОСАРИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОБИДАГИ «КАШФИЁТИ» ҲАҚИДА

ФЕЛЬЕТОН

Яккабоғда шов-шув гап. Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгаши бюроси мажлисида район ҳокимининг ўринбосари, ХДП аъзоси Йўлдош Нормуродовга ишончсизлик билдирилганмиш... Шу ростми? Ҳа, рост. Бу узунқулоқ хабарларнинг илдизи шу йилнинг 13 июнь куни бўлиб ўтган XXI чақириқ халқ депутатлари вилоят кенгашининг XIV сессиясига бориб тақалди. Демак, Нормуродов ҳақидаги гап миш-миш эмас, ҳақиқат экан.

Қашқадарё вилояти ҳокими Т. П. Хидиров ўша сессияда Ўзбекистон республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунининг бажарилишида ижтимоий адолатни таъминлаш ҳақида қилган маърузасида шундай деб қайд этганди:

«Хусусийлаштириш жараёни раҳбар ходимларимиз учун ҳам катта бир синов бўлади. Ким халқни, ким эса ўзини ўйлаб иш тутаётганлиги ана шу синовда кўриниб қолмоқда. Мансаб курсисига ўтирган айрим раҳбарлар лавозимидан фойдаланиб, ўзларига биркитилган хизмат машинасини арзонгаровга сотиб олишни авж олдириб юбордилар. Чунончи, Яккабоғ район халқ таълими бўлимининг собиқ мудири, бугунги кунда район ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаётган Й. Нормуродов заводдан 1988 йилда чиққан яп-янги «Москвич» автомашинасини 1428 сўмга сотиб олган. Шунингдек, у яна бир «Москвич» машинасини халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Э. Юсуповга 615 сўмга, бошқасини халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати директорининг ўринбосари А. Юсуповга 633 сўмга, «Ёш техниклар» станцияси директори У. Манноновга автобусни 628 сўмга ўзбошимчалик қилиб сотиб юборган. Автомашиналарни сотишда район ҳокимлигининг қарори, вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи чиқарилмаган.

Бугун битта ғилдирак шинаси 3 минг сўмдан ошганда бутун бир машинани ярим ғилдирак нархида ўзлаштирилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Қонун бўйича Нормуродов бу машинани 200 минг сўмдан камга олмаслиги керак эди. «Москвич» машиналари ҳозир давлат нархида салкам 300 минг сўмдан сотиляпти. Биржа орқали бож солиқларини тўлаб олсангиз 450—500 минг сўмга чиқиб кетади. Хўш, Нормуродовнинг ўрнига тайинланган Яккабоғ район халқ таълими янги мудирига хизмат автомашинаси олиб бериш учун биз давлат бюджетидан ярим миллион сўмни қаердан оламиз? Бугунги кунда Нормуродов Яккабоғ район ҳокимининг ўринбосари этиб тайинланган. Бундай кишининг ўз лавозимида қолишга маънавий ҳуқуқи бормикан? Бундай олғирларга принципиал баҳо бериш пайти келди, деб ўйлайман. Й. Нормуродовга ўхшаган ўзи хон, кўланкаси майдон раҳбар шахслар талайгина»..

Чиндан ҳам ана шундай қилғиликларни қилиб қўйган Йўлдош Нормуродовнинг бундан кейин ўз лавозимида қолиб ишлашга маънавий ҳуқуқи борми? ХДП район кенгаши сессия қароридан келиб чиқиб, маърузада айтилган барча фактларни батафсил ўрганди ва воқеа тафсилоти тўғри эканлигини тасдиқлади. Йўлдош Нормуродов кейинги икки йилда халқ таълими бўлимига қарашли барча автомашиналарни ўзи бош бўлиб талон-торож қилган.

Агар Нормуродовнинг истаги эътиборга олинса, аслида ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетиши мумкин эди. Аммо фактлар ўжар нарса, ундан кўз юмиб бўлмайди. Район партия кенгаши иккинчи котиблигидан халқ таълими бўлими мудирлигига борган Саида Бекмуродова ёнг кўз билан кўрсинки, кечагина Нормуродов фойдаланиб юрган хизмат машинаси унга йўқ. Яёв юриш жонига тегди. Бунинг устига саксондан зиёд мактабни мана-ман деган югурак одам ҳам айланиб чиқолмайди. Бундан ташқари, етмиш километрлаб олисдаги қишлоқларда жойлашган мактаблар ҳам бор. Уларга боришнинг ўзи бўладими?

— Автомашинадан умид қилманг, опахон, — деди ходимлардан бири. — Йўлдош акамиз шу йил январь ойидан миниб юрган «дулдулларини» ўзлариники қилиб олганлар...

Район партия ташкилотида мафкуравий соҳада ишлаб келганлиги учун ҳам Саида Бекмуродованинг узоқ йиллик фаолияти мактаблар билан боғлиқ. Халқ таълими бўлимида хизмат автомашинасидан ташқари яна бир неча транспорт воситалари ҳам борлигини жуда яхши биларди. Улар ҳам енг ичида кимларгадир пуллаб юборилган, дейишди ходимлар.

Бу воқеадан дастлаб район партия кенгашидагилар ҳам саросимага тушиб қолишди. Чунки, Йўлдош Нормуродовни район ҳокими ўринбосарлигига уч ой бурун уларнинг ўзлари тавсия этишган ва ана шу тавсияга биноан район кенгашининг шу йили 25 апрелда ўтган XIII сессияси уни ҳоким ўринбосари этиб тасдиқланганди.

— Ўшанда жиддий хатога йўл қўйган эканмиз, — дейди район партия кенгаши биринчи котиби Ф. Юсупов. — Биз Йўлдош Нормуродов билан гаплашганимизда у киши район ҳокими ўринбосарлигига ўтмайман, деганди. Энди билсак, излари тоза эмас экан-да. Биз ҳам кадрни чуқур ва атрофлича ўрганмай, кўп қатори тавсия этаверибмиз. От ҳам тўрт оёғи билан қоқиладику. Бу энди бизга бир умрга сабоқ бўлиб қолди.

Район партия кенгаши воқеага ўз муносабатини билдириш мақсадида Й. Нормуродовни икки марта партия кенгашига таклиф этди. У билан район партия кенгашининг иккинчи котиби Х. Туймаев, партия ташкилотчиси А. Туробовлар узоқ-узоқ суҳбатлашдилар. Бироқ Нормуродов икки марта эслатилганлигига қарамай «касалман», деб бюро мажлисига келмади. Ана шундан кейин бюро аъзолари унинг фаолиятига муносиб баҳо бериб, Й. Нормуродовга «ишончсизлик» билдириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Ҳамма қатори мажлисда қатнашган район ҳокимининг биринчи ўринбосари Оқмирза Бойназаров ҳам қарорни қўл кўтариб тасдиқлади.

Эртаси куни Йўлдош Нормуродов ижроия бюро қарорига эътироз билдирди. Охунбобоев номли маҳалла партия ташкилоти йиғилишига ҳам қатнашмади. «Ўзим қатнашмаган мажлисда «ишончсизлик» билдиришга ҳақларингиз йўқ», деб туриб олди. Умуман ҳоким ўринбосари отдан тушса ҳам эгардан тушмай, бюро қарорини писанд қилмади...

Биз ҳам йўл-йўлакай Йўлдош Нормуродов билан учрашиб, вилоят сессиясидаги унга тааллуқли гаплар ҳақида суҳбатлашдик. У аввалига ўзи содир этган воқеани тан олгиси келмади.

— Нега, фактлар нотўғрими? — сўрадик ундан.

— Баъзилари тўғри, баъзилари эса... — деди у дудмал қилиб:

— Шахсий машинангиз бўла туриб, яна хизмат машинасини ҳам хусусий қилиб олибсиз?...

— Нима дейсиз, шунақаси ҳам бўлади-да. Комиссия ишлаяпти. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ана ўша комиссия аниқлайди.

Биз бу тўғрида район ҳокими Темир Шоназаров билан ҳам гаплашдик.

— Чиндан ҳам нотўғри иш бўлган, — деди у. — Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Оқмирза Бойназаров бошчилигида район комиссияси масаланинг охирига етяпти. Ҳадемай депутатлар иштирокида сессияда кўриб, тегишли чораларни белгилаймиз. Лекин, ҳали шов-шув кўтаришга вақт эрта...

Билдик: ҳоким ўз ўринбосарини пинҳона ҳимоялашга ўтиб олди. Шу йил 28 июль куни ўтадиган навбатдан ташқари сессия олдидан эрталаб ХДП район кенгаши бюро аъзолари қайтадан яна тўпландилар. Мажлисни бу гал биринчи котиб Ф. Юсупов олиб борди. Унда бюро аъзоси сифатида ҳокимнинг биринчи ўринбосари Й. Нормуродовга тааллуқли фактларни ўрганиш комиссияси раиси О. Бойназаров ҳам қатнашди. У маълумотнома ва қарорга эътироз билдирмади. Аксинча уни қизғин маъқуллади. Бу гал бюро мажлисида ХДП аъзоси Й. Нормуродов ҳам иштирок этди. Қилган айби учун узр сўраган бўлди. Аммо масаланинг моҳиятини тўлиқ англаган бюро аъзолари 24 июлдаги қарорни ўз кучида қолдирдилар. Бюро аъзолари қатъиятлик кўрсатишди.

Район кенгашининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибидаги масалалар қаторида вилоят кенгаши сессиясида тилга олинган фактни ўрганиш комиссияси ахбороти ҳам тингланди. Бу тўғрида комиссия раиси ўринбосари, район прокурори Бўри Мўминов ахборот берди. Фактлар тўғрилиги тан олинди. Шундан сўнг район кенгаши депутати, ХДП район кенгаши биринчи котиби Фарҳод Юсупов ҳам сўз олиб ҳоким ўринбосари Й. Нормуродовга бюро мажлисида «ишончсизлик» билдирилганлигини айтди ва буни депутатларга ҳавола қилди. Кўпчилик раҳбарнинг бу қилмишидан таажжубланди.

Залда бир зум сукунат чўкди. Район ҳокими Т. Шоназаров ўз хатти-ҳаракати билан вазиятни юмшатди:

— Кечиримли халқмиз, кечирайлик уни, — деди.

Ҳокимнинг ранг-рўйига, гап-сўзига қараб, ҳеч ким ҳеч нарса дея олмади. Азалдан қон-қонимизга сингиб кетган, «тўғрими-нотўғрими», бош раҳбарнинг кўнглига қараб иш тутишдек эскича ёндашувлар бу ерда ҳам ўз кучини кўрсатди. Ҳеч ким Йўлдош Нормуродовнинг мушугини пишт, товуғини кишт демади. У сувдан қуруқ чиққандай керилиб қўйди. Очиғини айтганда сессияда Й. Нормуродов йўл қўйган хатога принципиал, тўғри баҳо берилмади. Шунчаки сийпалаб қўйилди, холос. Ҳоким ҳам ХДП аъзоси бўла туриб, сунистеъмолга йўл қўйган ўринбосарини ҳимояга олди.

Мақолага сўнгги нуқта қўйиш олдидан бирин-кетин пайдо бўлган ҳақли саволлар ҳақида ўйлаб қолдим. Қачонгача муросасозликка борамиз? Район партия кенгаши ижроия бюро мажлиси қарори, қолаверса, вилоят кенгаши сессиясида айтилган танқидий мулоҳазалар қаерда қолди?..

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Илк ҳаяжонлар





СУРАТ-АХБОРОТ

● Урта мактабни битирган қайси бир йигит-қиз Тошкент Давлат дорилфунунига кириб ўқишни хоҳламайди дейсиз. Бу йил мазкур даргоҳга уч мингдан ортиқ ёшлар умид билан келишган. Бироқ уларнинг фақат 975 нафаригина талабликка қабул қилинади. Кеча бу олийгоҳда тест синовлари бўлиб ўтди. Ишонамизки, студентлик насиб қилган ёшлар малакали устозлар сабоғини олиб, жумҳуриятимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшадиган мутахассислар бўлиб етишадилар.

СУРАТЛАРДА ҳаяжонли кутиш онлари ва нумуш медаль соҳибаси Д. Холбекова акс этган.

Х. АБДУРАҲМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

УМР ВОҚИЙ ҲУНАР

● Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари бозорларида беруниийлик уста Жуманиёз ота Мадаминов ясаган миллий сандиқлар қўлдан-қўлга тегмайди. Қадимий анъанага мувофиқ узатилаётган қизнинг сепи орасида албатта, тўй сандиқлари бўлади. Моҳир уста мана қариб 50 йилдирки, халқ қувончига шерик. Унинг олд томонига «Бахтли бўлинглар» «Тўйлар муборак», сўзлари битилган нақшинкор сандиқларини ҳақиқий санъат асари деса бўлади.

Сандиқсозликни отадан мерос қилиб олган Жуманиёз уста ҳозир нафақахўр. Аммо тиниб-тинчимас қария уйида устахона очиб, фарзандлари ва невералари билан бирга ҳамон эъзозли касбини давом эттирмоқда.

ЯНГИ ЛОЙИҲА АСОСИДА

● «Ферганагипросельстрой» институти жамоаси хоналари 30 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси лойиҳасини ишлаб чиқди. Бино қурилишида металл сарфи анча камайтирилди. Буюртмачининг талабига кўра бино лойиҳаси 280-800 ўринли қилиб ишлаб берилиши мумкин. Янги лойиҳа асосида мактаб қуришда анчагина маблағ тежалади.

(ЎзА).

СПОРТ

СУНГГИ МЕДАЛЛАР УЧУН КУРАШ БОШЛАНДИ

Яна тўрт кундан кейин Барселона олимпиадасининг тантанали ёпилиш маросими бўлади. Спортчилар эса сўнгги медалларни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. МДҲ бирлашган жамоаси вакиллари медаллар жамғариш борасида олдинда боришмоқда. Улар ҳисобидаги медаллар 78 тага етди. Шундан 32 таси олтин медаль. Иккинчи ўринда бораётган АҚШ спортчиларида 66 та, 20 таси олтин. Олмонияда 48 та, шундан 16 таси олтин медаль бўлиб, умумҳисобда учинчи ўринда боришяпти.

ОЛИМПИАДА ОДИМЛАРИ

● ОҒИР АТЛЕТИКА. Маълумки, спортнинг бу тури бўйича МДҲ вакиллари ўзига хос ибрат кўрсатишди. Артур Акоев ҳам ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилиб, умумжамғармага кумуш медаль келтирди.

● СУВГА САКРАШ. Ирина Лашко спортнинг мазкур тури бўйича олимпиаданинг кумуш медалини қўлга олди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. 10 километрга спортча юриш бўйича Елена Николаева, 800 метрга югуришда Лилия Нуритдинова ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилишди.

● КАМОН ОТИШ. Спортнинг бу қадимий тури бўйича бахсда вакилларимиз жамоа ҳисобида бронза медали соҳиби бўлишди.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ„ ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

„ВИТА“

ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛЬГИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Таъсисчи: ZURAB TRADING C

«ВИТА»

— пахта толаси олди-сотдиси бўйича савдо алоқалари билан шуғулланади.

Бизда доимо биринчи, иккинчи навли, шунингдек, бошқа навлардаги пахта толаси мавжуд.

Ишлаб чиқарувчилар билан мустаҳкам алоқаларимиз Сизга қулай бўлган муддат ичида исталган миқдордаги пахта толасини етказиб беришимиз кафолатини таъминлайди.

Биздаги нарх — сиз учун мақбул келадиган нарх.

*

«ВИТА»

Қўшма Корхонаси — бу ишончлилик, барқарорлик, амалийликдир.

*

«ВИТА»

Қўшма корхонаси «ЗАР ЛТД» фирмасида яратилаётган «Ўзбекистон Республикасида пахтачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш» компьютер дастурий маҳсулотини тайёрлаш ҳақини тўламоқда. Бу унга ўзбек, рус, инглиз тилларидаги мазкур дастурий маҳсулотни сотишнинг эксклюзив ҳуқуқини беради.

*

МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ:

— Ўзбекистоннинг пахтачилик харитаси — батафсил иқтисодий ва ижтимоий ахборот;
— Районлар бўйича пахта экиладиган майдонлар, хўжаликлар категориялари ва район бўйича ҳосилдорлик;
— хўжаликлар ва экин майдонлари бўйича ҳосилдорлик гуруҳланиши;
— районлар бўйича ялпи терим, шу жумладан машина терими; ингичка толали пахта: районлар бўйича, хўжаликлар категориялари бўйича ялпи терим;
— тайёрлов пунктларининг жойлашуви ва жамланмаси;
пахта заводларининг жойлашуви, пахта заводларининг қувватлари;
тола чиқиши ва ишлаб чиқариш;
— пахта хом ашёсининг қишлоқ хўжалик навлари;
экиннинг селекция навлари;
— районлаштирилган навларнинг солиштирма оғирлиги;
— 1 тоннанинг сотув нархи,
шу жумладан навлар бўйича;
— 1 тоннанинг таннархи, рентабеллик;
— пахтани олиб чиқиб кетиш;
— пахтани қайта ишлайдиган саноат маҳсулотларининг жойлашуви;
пахтани қайта ишлайдиган саноат қувватлари, маҳсулотлари ассортименти тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади.

«ВИТА»

Қўшма Корхонасининг тўртта брокерлик идораси биржавий фаолиятнинг барча турлари билан шуғулланмоқда.

«ВИТА»

Қўшма Корхонасининг брокерлари — юксак амалий фазилатларга эга, билимдон ва мижоз тўғрисида қайғурувчи инсонлардир.

«ВИТА»

Қўшма Корхонасининг брокерлик идоралари республикамизнинг энг йирик биржалари:
«Тошкент»да: 010, 051. Телефон: (3712) 63-17-33.
«Ўзбекистон»да: 125, 126. Телефон: (3712) 63-09-92 рўйхатдан ўтган.

«ВИТА»

Қўшма Корхонасининг дўконидаги молларнинг ҳаммаси Сиз учун.

● Улар исталган дидда,
● айнан ҳозир Сиз учун зарур моллардир.
● БИЗГА КЕЛИНГ, ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ!
● КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛМАЙ КЕТМАЙСИЗ!

«ВИТА»

Дўконининг манзилгоҳи:
Тошкент шаҳар, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13а уй.

«ВИТА»

Қўшма Корхонаси Сизга жуда қисқа муддатларда «Альварадо» маркали эрийдиган кофени етказиб беради.
Етказиб беришнинг энг оз миқдори — 10 тонна.

«ВИТА»

Қўшма корхонаси сотувга қуйидаги минерал ўғитларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Карбамид, ГОСТ 208»-75 Е ёки (И) ГОСТ 2081-75, Б маркали, олий ва биринчи нав, қоғозли ёки полиэтилен қопларда, овростандарт.
Етказиб беришнинг энг кам миқдори — 5000 тонна. ойига етказиб бериш 10.000 тонна. 1 тоннасининг баҳоси: ФРАНКО-СКЛАД — Новороссийск порти орқали етказиб бериш базисида 127 АҚШ доллари. Божхона пошлинаси ва божхона тозалаши бўйича харажатларни тўлаш харидор ҳисобига;
ФОБ — Новороссийск порти орқали етказиб бериш базисида — 136 АҚШ доллари.
1992 йил охиригача етказиб бериш миқдори — 100000 тонна.

2. Аммофос ГОСТ 18318-85, маркаси А, олий нав, 800—900 килограммдаги "БИГ-БОГИ идишида. Етказиб беришнинг энг кам миқдори 10000 тонна, йил охиригача 50000 тонна. ФОБ — Новороссийск порти орқали етказиб бериш базисида 1 тоннасининг баҳоси — 167 АҚШ доллари.

3. АММОФОСФАТ, 52 килограммли қопларда. 1 куб метр ҳажмдаги контейнерлар, ёки (харидор истагига кўра) ёпиқ темир йўл вагонларида сочма ҳолда. Энг кам етказиб бериш миқдори — ойига 10000 тонна.
ФОБ—МДҲ чегараси базасида 1 тоннасининг баҳоси — 140 АҚШ доллари.

4. АММИАКЛИ СЕЛИТРА. қопларда, овростандарт, энг кам етказиб бериш —ойига 10000 тонна. Йил охиригача — 50 минг тонна.
ФОБ—МДҲ чегараси базисида 1 тоннасининг баҳоси —130 АҚШ доллари.
Ҳақ тўлаш шарти: етказиб бераётган мол туркумига олдиндан 100 фоиз ҳақ тўланади.

БИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ВА БАРҚАРОР АЛОҚАЛАРИМИЗ — БУ СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ ГАРОВИДИР.

«ВИТА»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК — БУ СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ, БИЗНИНГ НУФУЗИМИЗДИР.

«ВИТА»

ҚЎШМА КОРХОНАСИДА МИЖОЗНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ БУЮРТМАСИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА БАЖАРИЛАДИ.

БИЗ СИЗЛАРНИ КЎРИШДАН ДОИМО ШОДМИЗ!

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700125, Тошкент шаҳри, Горький шоҳ кўчаси, 95-уй, 31—32-хонадон. Телефонлар: (3712) 63-17-33, 63-09-92, 62-47-87, 62-43-46. Факс: (3712) 62-55-98. Телекс: 11-63-83. BROK SU Телетайп— 11-61-91 ВИТА.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, Тошкент-ГСП,
Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати—33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида —3-25-70, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда— 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана»)—общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г—281.
№ 154.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 19.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.